

Ընթացիկ
Զինվոր

Տեղացի
կիմ Բոր...



scholar

243

1665

СЕВМАТ'АН КММ БОР

Сурожидди Зайниддинов

OLIV VA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI TAJLIM VAZIRLIGI
DAYLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ШОИР ҲАКИДА ИЛҚ СЎЗ

Бетакдор таълимот соҳибини тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси, Сирожиддин ака Зайниддинов ўзининг тинимсиз меҳнати ва изланишлари билан кўп ютуқларга эришган касодкор инсон. Унинг самимийлиги, болажонлиги, қасбига, Ватанига бўлган фидойчилиги "Қишқина деманг бизни" "Оқ халат деб оқарган сочлар" деб номланган китобларида ўз аксини топган. Ҳар бир инсоннинг ўз қабди, ўз дунёқараш бор. Шифокорнинг ёзувчи ёки шоир бўлиши эса яратилганинг нәъматидир. Қўлланганимиз шеврий тўғламдан ўрин олган ҳар бир сатрлар шеърини мухлисларини бефарқ қолдирмайдди. Уни ўқиган шеърят шайдолари қалбида меҳр-муҳаббат, самимият, севиб-севилиб яшаш туйғулари жўш уришига умид қиламиз. Шоирнинг ватинларварлик ҳақида шеърлари айниқса бир ҳарорат беради. Қиш қалбига бу ҳарорат устоз шоир Икбол Мирзо қуйида лутф қилганларидек:

Сени десам, юрагимда очилар гуллар,
Ёмғир бўлиб, самоғлардан, сочилар гуллар.
Саҳролардан, дарёлардан сочилар гуллар,
Юрагимнинг гулсан сен гуллаган ватан.

Хушбўй, хушбўй олмағларда жаннат хавоси,
Тоғларнинг бағрида минг дардининг давоси.
Шулдир ахир бир инсоннинг умир сафоси,
Юрагимнинг гулсан сен гуллаган ватан.

Ховуч ховуч зилтол сувингдан ичдим,
Меҳринг канот бўлди, мовий кўкларда учдим.
Яна қайтиб сента келдим, тупроғинг кучдим,
Тилатимнинг гулсан сен гуллаган ватан.

Турдикул Норматов
журналист

Севмаган ким бор...

Башариёт яратган ушбу заминда,
Туғилиб, диёрин севамаган ким бор.
Туғилган кишлоғи, азиз Ватани,
Ҳоки-тупроғини севамаган ким бор.

Муҳаббат боғида очилса гуллар,
Инсон қадридан, меҳридан сўзлар.
Адашган ғофил, бу ватангадолар
Туну-кун юртим, онам деб бўзлар.

Барчамиз заминда бир зумдур меҳмон
Дустларим бу ҳақдур, уйлантиз ҳар он.
Сарваримиз кеттирди, бахтли бу замон
Бахтиёр бу замонни севамаган ким бор.

Буюк боободлар ўтди бўлиб аллома,
Улар шижоати бўлди солнома.
Мана мен дедим, менинг ўзбегим!
Ўзини тарихин севамаган ким бор.

Пахловон ўғиллари, гўзал кизлари
Белида эл қуввати, чарос кўзлари
«Эл ўғлиман» - бу йитит сўзлари
Мардлар юртини севамаган ким бор.

Сарваримиз бўлиб доим раҳнамо,
Йўл бошлади, йўлимиз бўлди беобаҳо.
Бахтли бўлиб, яшайди, барча фуқаро,
Бундай сарварни севамаган ким бор.

Яшати ўз юртинг ўғлонини бўлиб,
Шукр қил туғилдинг ушбу диёрда.
Меҳнат қил ўз халқинг машағли бўлиб,
Бу бахтли диёрни севамаган ким бор.

Кўзлагин

Эй кўнгили, бу рўйи жаҳонда содиқ дўст-ёр кўзлагин
Гул чехра деб аср бўлма, ожил дилдор излагин.
Хеч дилинг этма паришон, донио баҳор туг,
Шўх андашнб мисли ҳаргиз, гул чаманзор кўзлагин.

Бу ҳаёт йўлида учрар турфа йўлдош ҳам рафик,
Чин вафодан имтиҳон эт, собит ҳамкор кўзлагин.
Севги тори қил мисоли, қатгис сўздан узулду,
Севги тори этма онкор, қалбда асрор кўзлагин.

Хеч умид қилма ёмондан, бир сафо изламоқни,
Зеро асап захар бўлмас, ўзинг хушёр кўзлагин.
Гар ҳасад бирла дилингни пора-пора этсалар,
Сен эрсанг тош отма, балки нозик ошвор кўзлагин.

Бу дунёда қил яхшилик, ҳеч тавмасиз ҳар қима,
Ул билмасе холиқ билар, тинмай тақрор сўзласанг.
Эй Сирож, қорт аро бўлгин, эл назардан қолмагин,
Гар нймон кетса юракдан, бошингта дор излагин.

Тўйлар муборақ!

(Ж. Расулов ноҳия болалар жарроҳлик бўлимининг
30 йиллигига бағишlab)

Ўтди кунлар, бедор тунлар ҳам,
Ўтти йил ўтди, келганда ҳакам,
Бемор дардига сен бўлдинг малҳам,
Навқирон ёшинг, тўйлар муборақ!

Ўша даврда Сен эдинг танҳо,
Хизмат қилиб, толмадинг асло.
Ишларинг бўлди донио аъло,
Навқирон ёшинг, тўйлар муборақ!

Фотиха бериб диплома Абзам,
Устозинг бўлди донио ҳакам.
Дилда бўлсада, аламу-ситам
Навқирон ёшинг, тўйлар муборақ!

Толмайн ишлаб ҳамшира кизлар,
Ўзларин «Сен» деб, ўзгани «Сизлар»
Бемор дардига ҳаётин боғлар,
Гўзал кизларим, тўйлар муборақ!

Шифокор йигитлар эди қувватинг,
Ота-она қалбиде сен муруватинг.
Юртда ортди ҳурмат-иззатинг,
Филокор йигитлар, тўйлар муборақ!

Бутун тўйингиз, дўстлар жамо-жам,
Қайда бўлмасин, Сирождур ҳамдам.
Асрлар яшаб, бўлайлик бардам,
Шифокор дўстларим, тўйлар муборақ!

Синфдошлар

(Синфдош дўстларимга бағишлайман)

Ўтди кунлар, ўтди тунлар ҳам
Қирқ беш йил ўтди, келар Аср ҳам.
Танимиз сихату - барчамиз бардам,
Навкирон ёшимиз - тўйлар муборак !

Синфдошлар бўлса жами бир жам,
Дилларда қолмас армону - алам.
Хаёт бошқа-ю, диллар бир бутун,
Орага тушганлар бўла олмас устун.

Кеча ёш эдик, вақт бўлди Ҳакам,
Ўсиб борар энди, набиралар ҳам.
Дўстлар йўқотдик, дилга тушди ғам,
Боримизга суяниб, бўлайлик бардам.

Яна биргамиз, дилларда қувонч,
Бу бир далилдур — хаётта ишонч !
Кўнгли ёш бўлсада — сочлар оқарди,
Дўстлар дийдорига қорақ шошарди !

Йилдан-йилга ортар умр зинаси,
Хорғин чехраларда кўплар ажин.
Аммо чорлаб турса ёшликнинг саси,
Кўнгли қаримайди дейишлари чин.

Навкирон дамларни эслаб қувонган,
Тенглош, синфдош кексаймас сира.
Чунки бу дилларда завқ ўти ёнган,
Оқибат кўзгуси бўлмаган хира.

Турмуш ташвишлари — ел-ғўзонлари,
Дўстлар офтобидан нурланса ажиб !
Дўстлар дийдорининг жозиб онлари,
Умр китобида зарҳалдур, бир зёб.

Бутун тўйимиз, дўстлар жамо-жам,
Қайда бўлмайин, сиз билан мен ҳам.
Асрлар яшайлик, бўлайлик бардам,
Кекса ёшлигимиз — тўйлар муборак !

Ишонч — ҳаёт мазмуни

Ишонч билан яшайди инсон,
Орузқадн унга одам атодан.
Севги экан Олпоҳдан эҳсон,
Бўлсин экан инсонлар дилбанд.

Термуламан кўзларингга,
Мушток бўлиб сўзларингга.
Узоқ туриб зиндан бокмагин,
Чиндан севга шайдо бўлганман.

Кунларим қоронғи, тунларим бедор,
Гар висол бўлмаса севги не даркор.
Хар кун кўриб куйгандан кўра,
Бир кун кўрмай яшаш ифтихор.

Баҳор эди ...

Баҳор эди кириб келдинг калбимга,
Узоқ кутдим, вафо килиб аҳдимга.
Тухфа килиб насим ҳаво олдимга,
Олиб келди асл малҳам дардимга.

Кунлар ўтар, тунлар ҳам ўтар,
Висол онлар дилимни ўртар.
Нитох бер, бу ғамгин кўзлар,
Унсиз сента неларни сўзлар.

Қулоғим остида нафис нафасинг,
Эшитгим келар муқаддас бир он.
Ошиқларни куйдириб ўтганда замон,
Қолмасин дейманда дилларда армон.

Ўйлайсанки оддий бир сурат,
Фақат шаклим акс этиб турар.
Қўлингдagi ёрим, эмасдир сурат,
Балки калбим акс этиб турар.

Йиғласам мен, сен ҳам йиғладинг,
Сента камдур жонимни тиксам.
Оҳ, калбимни ишсиз боғладинг,
Унут мени атар, сени унутсам.

Юзларингга ташна кўзларим,
Лабларингга ташна лабларим.
Манос боқма, сўзла дилбарим,
Эсла сўзим, сента айтганим.

Оқкан дарё мудом оқаверади,
Енгил ҳаёт беҳаё ўтаверади.
Севги чўккиси бир азоб бўлса,
Қиё боқмай ёр кетаверади.

Сотинаман ёрим деб

Ўтар кунлар, ўтар ўтган тунлар ҳам,
Шу севтигим, бир бевафо ёрим деб.
Бўлса ҳам-ки азобинг менга малҳам,
Сотинаман, шу бевафо ёрим деб.

Ўтсин майли мени тунларим бедор,
Охишта келса-чи кани, дилгзор.
Унинг учун менинг калбим беозор,
Сотинаман, шу бевафо ёрим деб.

Уни эслаб дилларимни босди ғам,
Кўзим очик, унда эса қуруқ нам.
Ҳаётим ғамгин-у азоб бўлса ҳам,
Йишар эдим, шу бевафо ёрим деб.

Пайғомол қилма севгим, бошқаларни деб,
Керакми сента хусн, оро ё бир зеб.
Ишонмайман кетганинг «Бу ҳаёлим» деб,
Сотинаман, шу бевафо ёрим деб.

Сени қутиб-қутмаган армоним қолди,
Сента етиб-етмаган. оёғим тоқди.
Ҳилларингга тўймаган тўшагим қолди,
Сотинаман, шу бевафо ёрим деб.

Бирга кўрмай ёстикларни бошларим,
Қордай бўлди, қора-қундуз сочларим.
Сўнса ҳам-ки дилларимда созларим,
Сотинаман, шу бевафо ёрим деб.

Қўзингни оч эй бевафо, ёримсан,
Ҳаётимсан, ҳаётимсан, ёдимсан.
Тамом бўлар сента бўлган сабр ҳам,
Сотиниб мен, адо бўлдим ёрим деб.

Фалак фалакитини қилса...

Севтим бўлсангу, бўлмасанг севтигим,
Не керак мента бу дунё-ю, сента у дунё.
Айтсам тилим, айтмасам куйса дилим,
Керакми мента бу мухаббат, бу дунё.

Тушларимда тинч кўйтин мени,
Ёниб куйсам ҳамки, уйлабон сени.
Сароб эмас, эслаб сени уйлаганим,
Чиндур тушим, сен билан сўзлаганим.

Кўлим толмас чертиб севти торидан,
Лабим истар, лавли лабинг болидан.
Истайсанми қочай ҳаёт доридан,
Фалак фалакитини қилса ногохон.

Эдэльвейс деб чикай кирга, тоққа ҳам,
Кўнгли очиб бормай ошён излаб бокқа ҳам.
Истамайман эдэльвейсини, Эрам боғин ҳам,
Сенинг олдингда билгин, булар бари кам.

Сен не сенки гўзал, ажойиб зебо,
Жоним олдинг, танамдан этиб жудо.
Этсанг ҳамки мени ўзингга гадо,
Ширин забонларингдан чикмади сардо.

Гадо ҳам дунёда бир кунин кўрар,
Қаландар дунёдан ризкинни топар.
Ҳар кимга яратган толеин берав,
Шукур қил, зикр қил, қилгин сабр

Бунча девона бўлдим сента мен жоним,
Ўйласам жўш урав танамда бор коним.
Ҳа десанг, йўқ демай берарман борим,
Фиридур сента таним, етмаса жоним.

Мен истадим муртаққина юрагингни,
Ёнингданман олай дедим бор дардингни.
Сен ягона, кулфу-қалит бағринг тош,
Ишонмайман «кутар» деса қабр тош

Армон қолади

Ангтам, дунёда борман ўзим ҳам,
Ёлгон эмас сента айтган сўзларим.
Сени йўқотишдан икки кўзим нам,
Уммонлардек тўлган кўзларим.

Эли жоним мени сўзларим тингга,
Қайерда бўлмайлик бизлар биргамиз.
Умидсиз дунёга қайтмайлик асло,
Сабр қил, раҳмли Оллоҳ тангиримиз.

Ёнингда бир нафас бўлмасам жоним,
Ўйлими, бу сендан кечмоқ эмасдир.
Кундан-кун ортали қалбда мухаббат,
Сўзларим ёлгонни битмоқ эмасдир.

Дилбирим, хижроним кийнаб борали,
Не ўйлар вужудим қамраб олади.
Сента мухаббат изхор этдим-у,
Рид этсанг сендан армон қолади.

Хаёт ўтмоқда

Хаёт ўтмоқда, ўтмоқда кунлар,
Хижрон азобида осуда тунлар.
Тўшак отушида жон-танним бўзлар,
Севги туғилса-ю, сен туғилган кун.

Мен ҳам жилдираб оқкан арикман,
Бутун бор бўлсам, эртага йўкман,
Ешлик ўтибди-ю, мен ҳам қарибман,
Туғилсам дедим, сен туғилган кун.

Гоҳо-гоҳо келаман, кетаман шошиб,
Дардим айта олмай, фисоним ошиб.
Этмоқка жоним фидо севгимга қўшиб,
Яна келим олдинга, сен туғилган кун.

Имкон бер менга

Сен менинг раънодек маъсум тулимсан,
Мадҳинг қуйламоққа имкон бер менга.
Бахордек сеҳрли, гўзал, сўлимсан
Ишқинг да беморман, дармон бер менга.

Қалбим бўстонида тарқ этма зинҳор,
Сен ҳам қурагингдан ошён бер менга.
Қарашманг эҳтиромдан белги эмасми,
Севгимни айтмоққа имкон бер менга.

Бемажол ошнинг хижрон дардида,
Сочингни дор қилма, омон бер менга.
Ой ҳам тоғ қолар кошнингдан жонон,
Сени севиб яшапта хаёт бер менга.

Кечир мени

Кечир мени кечир, яна ёнинга келим
Ур айтгай дебон кўргани келдим.
Кетар эдинг, борар эдим ортингдан,
Масоф эдинг, дардинг билгани келдим.

Ажибсан, гўзалсан, зебо шоирагинам,
Қўнғилим тинч энди, ўчмас экан изгинам.
Бу дунё-ю у дунё истганим ўзингдан,
Не десанлар десанлар, бу дунёда муҳримсан.

Давли муҳринг юзимда, меҳр қолди қўзимда
Бисёр инкор қилмагин, тирикчилигим ўзингда.
Мен хоҳладим ўзингни, ўйлаб кўртин сўзимни,
Лонқ дебон ўзингни, яширма дил сирингни.

Кечир мени юзингда қолдирибман изимни,
Чин сўз билгин арзимни, дил хирожу сўзимни.
Қилиш бўлсам шундан қабул қилгин ўзимни,
Менинг севгим рад этиб, қийнамагин ўзингни

Қуён тутилган кун

Эсинглами, қуён тутилган кун,
Яна бўлар экан бу, асрлар замон.
Яшагин юз йил, эслагин шу кун,
Хаётингман, унитма зинҳор.

Шодлик келиб, кетса ғамларинг
Хижрон келса ёлғиз тунларинг
Хаётингга олиб мени эслагин
Хаётингман, унитма зинҳор.

Мен нетай

Билгин гүзалим икки дунё, бир хаёт,
Мафтунингман, дилим айтар бир баёт.
Бўлармикан мухаббат, бундан ҳам зиёд,
Кутиб сени, истаб етаолмасам мен нетай.

Кўзларингда ҳам кўрдиму, нам кўрмадим,
Хаётингда тун кўрдиму, шам кўрмадим.
Дил дардингда недур даво мен топмадим,
Ишк дардингда малҳам топмай, мен нетай.

Кўзларингда нам бўлмаса, таминг бўлай,
Хаётингда жам бўлмаса, сангаминг бўлай.
Орзу килиб етмаганинг, олганинг бўлай,
Бераолмасам сенга бир бахт, мен нетай.

Севги деган хаёлимни барбод айладинг,
Хаёт деган борлигимни сароб айладинг.
Мухаббатдек касримни вайрон айладинг,
Сен ихтиёрим, излаб топмасам, мен нетай.

Мухаббат олов

Севгидан куйганда ошқини жони,
Юракдан томчилаб оқаркан кони.
Тар унинг сеvgисин рад этар бўлсанг,
Куйиб кул бўлар экан икки жаҳони.

Севгига фидодир азиз бу жонлар,
Севги деб тариб бўлган не хонлар.
Хаёдан чикмасин, эсланг бу онлар,
Мухаббат оловдур, азиз инсонлар!

Бўсаларим сеvgимдан нишон

Юлларингга талшанман, жонон,
Чин сўзимга ишонгин-ишон.
Севгимга ҳеч қилмагин тумон,
Бўсаларим сеvgимдан нишон.

Кипрингга ёшинг бўлиб мен,
Хаётингга кириб келибман.
Азоб берсам кечиргин жонон,
Бўсаларим сеvgимдан нишон.

Мурчи калбингга тубдан кўзғатиб,
Муқаддас даргоҳинг бўзмок эмасман.
Сенмок азоб бўлса-ю, жуздолик осон,
Билгин бўсаларим сеvgимдан нишон.

Фирок

Мин қаршимда бўлдинг намоён.
Илганидек бўлбуллар ошён.
Гўнаҳилнинг килиб намоён,
Севги оташи таркатиб ҳар ён.

Сенга талшанар ошқ дилларим.
Миное боқар бу намли кўзларим,
Гирён бўлган сеvgи сўзларим.
Дол қолди, айтмай тилларим,

Мухаббат гирдоби

Не килайки караолмасам кўзларингта,
Не килайки тўюлмасам сўзларингта.
Не килайки тегалмасам юзларингта,
Дна борми менга, сен атаган азобинг?

Тетар бўлсам, ошар бўлди хувобинг,
Дарров оқар кўз ёшинг-у, гулобинг.
Ҳамиша бор «йўк-йўк» деган жавобинг,
Дна борми менга, сенда ўзга азобинг?

Юзларингта кўлим тегиб, тафтим сўнмади,
Дабларингта лабим тегиб, хижрон ўлмади.
Чарос кўзинг дилдаги мухаббатим кўрмади,
Шуми энди севгимга, сени берган жавобинг?

Мен бормасам олднингта, сен келмадинг,
Етай десам висолнингта, сен кўнмадинг.
«Илтимос» деб тиз чўксам ҳам, унмадинг,
Дна борми менга, раво кўрган азобинг.

Мухаббат гирдоби чексиз уямондир,
Унга фарқ бўлган дил, қайтмас орқага.
Сани бўлдим мухаббатинг домига,
Бир умрга сайёда бўлди мухаббат.

Икхшёр (ашула)

Ён чимириб қошларинг,
Қуялиг мени мафтункор.
Тилинг ширин негадир,
Нилшайсан менга бор.

Ром этибди коматинг,
Икхшёрим сендадир.
Ширин-шаккар сўзларинг,
Билиб кўйгин менадир.

Килиб мени девона,
Ониб кетдинг хаёлим.
Дол қоламан кўрганда,
Дилим куйиб армонда.

Сениб сени кўрганда,
Етгани жойим шу бўлди.
Нега билиб, билмайсан,
Икхшёрим шу бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛГУ ВА О'РГА МАХСУС ТАЪЛИМ Вазирлиги
ТОШКЕНТ VIЛОЯТИ СЌИРСИНО
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛГУ ВА О'РГА МАХСУС ТАЪЛИМ Вазирлиги
ТОШКЕНТ VIЛОЯТИ СЌИРСИНО
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ

Сен туғилган кун

Само бағрида бир гузал дунёга келди,
Бу ажиб хушхабар шамолдек елди,
Юраклар тулганиб, шодникка тулди,
Хаёт бошланди, сен туғилган кун!

Оламни кўриб, хайрон бўлиб сен,
Хаёт маъносини бунёд этибсан.
Хаёшлар суриб, шодон кулиб сен,
Бахтинг очилди, сен туғилган кун.

Гузэл Ширинга етди пахлавон Фарход,
Мажнун излаб Лайлисин қилмади фарёд!
Ғарибни лол этди гузал Шохсанам,
Хаёт бошланди, сен туғилган кун!

Кўзларимда аён бўлибсану, билмабман,
Сийнада пинхон бўлибсану, билмабман.
Бутун жахон бўйлаб сени излабман,
Ўзинг бир жахон экансану, билмабман.

Севги йўллари, бу ажиб йўллар,
Хаёт ўтиб борар, келар навбахор.
Гуллаган севгимдан қолса ҳам абас,
Хаётинг гулдасин, сен туғилган кун!

Жон ато этиб Оллоҳ одам атога,
Деди «Гузэл аёл яратум одам атога»
Шундан этиборан хар битта эркак
Севмай ёлғиз кетурми у дунёга.

Ғажалимиз нақадар ёмон

Нисбатини яшайди дунёда инсон,
Нисбатини хаёт ўлимдан ёмон.
Туғилган дунёга, севади инсон,
Ўлимга не керак хижрону-армон.

Не билан ўлчанад инсон ҳаёти?
Ўлчовмай кетдилар не инсон зоти.
Курбан бўлдиларингми, ўтиртган жойинг?
Бил орақчи кутган, туғилган ойнинг?

Нақтинг ўлчаб бўлмас тарозу билан,
Уни топиб бўлмас ҳаёт, орузу билан.
Донм билгин, ўтган ҳар он ғанимат,
Нохотки севиниш бу бир оғир маломат.

Нақт кетса нақдинг, нияту аҳдинг кетар,
Ҳар онинг даъватинг, тахту бахтинг кетар.
Донм билгин, ўтар ҳар бир онинг ғанимат,
Нохотки севиниш бу бир оғир маломат.

Бирон дарду-у, бирон дармон истаса,
Бирон исси-у, бирон хижрон истаса.
Мен дардга дармон, васлу-хижрондан,
Истаганини, қай бирин жанон истаса.

Ўлчовлик дейдилар нақадар ёмон,
Лекин севги билан улугдур инсон.
Ўлчовликка ёр васлига бу замон,
Кўринишинг у дунёда эсон-омон.

Индамас

Яна каршимда турибсан бу он,
Нега сўзламайсан, тапирчи ахир.
Гўзал коматингни қилиб номоён,
Ихтиёрим сен, олдинг-ку ахир.

Йиллар ўтар, узоклаб бирок,
Илтимос кара, мозийга бир бок.
Юзларингга келмасдан фироқ,
Нега индамайсан, тапирчи ахир.

Билиб кўй энди келгандир фурсат,
Илтимосим кийнама, кийнама факат.
Лабларинг кулгуси қилсада фуркат,
Хаётим сендандир, тапирчи ахир.

Тўлиб тошганда қалбим қосаси,
Бўлсин шифобахш ёрим бўаси.
Бағрингда ўсган гуллар гунчаси,
Мени ром этган улларинг саси.

Икки дил аро хижронга тушиб,
Келдим олдингга бошимни эгиб,
Ошиқ бўлиб сенинг хуснингга,
Ажиб савдолар солдим бошингга.

Йиғлаб юратим, нистаб бўзгани,
Муҳаббат боғинг тул гунчасидир.
Атайлаб келсаму уни узгани,
Нега индамайсан, тапирчи ахир.

Хайндан ўтмоқдамиз

Дунёга ситмай дардим бўлди бир китоб,
Илаб сени туну-кун айлардим хитоб.
Нитонинг эди малҳам, сўзларинг гулоб,
Хайлдан ўтмоқдамиз айлабон шитоб.

Хайлнинг тасодиф кирмасанг бўлмасмиди,
Амру-хушим сен олмасанг бўлмасмиди.
Ихтиёрим мени севгим рамзи эмасмиди,
Хайт ўтмоқдандир айлабон шитоб.

Севгим узлунгига кўзгу бўлмасмиди,
Муҳаббат риптаси тор бўлмасмиди.
Ени севгим сента лойик эмасмиди,
Хайт чорх урақан айлабон шитоб.

Бу хайт экан-ку гўзал чаманзор,
Ким кимга зору, кимдир интизор.
Фарқат яшиш эмас, муҳаббат ҳам бор,
Хайт ўтар экан айлабон губор.

Учинини кўп кийнама

Нармуз айёмида бахтимни очиб,
Навотин юратимга нурларни сочинг.
Ҳанноларга қалбонингни очиб,
Учинини кўп кийнама, жоним!

Нарра бўлиб дунёга келдик,
Хайт ниятласидан баҳраманд бўлдик.
Устани ёшлунгидан хафа ҳам бўлма,
Учинини кўп кийнаба, ўқинма жоним!

Туғилдинг сен бахт яратишга,
Азим кошонаю, тахт яратишга.
Қолса ҳамки қалбидида армон,
Ўзингни кўп кийнама, жоним !

Бир инсонга дармон бўлдинг, табибсан,
Дил амрига қулоқ соддинг , хабибсан.
Бир дакика ўзга бўлдинг, бахтлисан,
Ўзингни кўп кийнама, жоним !

Орузкиб кутиб кўнпроғингни,
Ёкай дедим дил қароғингни.
Чирок оразинг тун бўлса ҳам,
Ўзингни кўп кийнама, жоним !

Сўроқ тутдинг «Нега бўлди шундай...»
Юрагимни қайтаришга қандай ундай?»
Хаёлимда тамгин юзинг, шахло кўзинг,
Ўзингни кўп кийнама, жоним !

Сўзларингдан хаста кўнглим топгач даво,
Шодлик тўлиб, юрагимга келди бу наво !
Ҳилларингни олиб келди ажиб бир сабо,
Ўзингни кўп кийнама, жоним !

Мухаббатим бериб, меҳринг олгани,
Турибман қаршингда, бўлди бўлгани.
Сенда бор ажойиб юксак ирода,
Ўксима , кунлар ўтди, келар қолгани.

Севиб-севилмок дематин савнат,
Бунга кераклир журъат, қановат.
Билгин энди, бу чин ҳақиқат,
Меҳрим кутар сендан муҳаббат.

Икки дунё бир қадам

Менга ер қаттигу, осмон йироқ,
Сенга эса икки дунё бир қадам.
Дилимда тамлару, кўзларда фироқ,
Сенга эса дил-муҳаббат, бир қадам.

Менга ҳаёт дўзах бўлса,
Сенга жаннат, бир қадам.
Менга ҳеҳранг йироқ бўлса,
Сенга висол, бир қадам.

Келар бўлсанг изларингга гуллар тушардим,
Сени учун Мажнун бўлиб яшардим.
Тушлари йиғлама, қилма ҳеч фироқ,
Туриб суҳхидам, қилгин кўнгирик.

Қутганимда сендан бир хабар,
Сенга кўнгирик, бир қадам.
Анлшани қўйиб эй добар,
Қўйсанг бўлар-ку, бир қадам.

Дунёга келганида янги инсон ҳам,
Кўз очиб ҳаётга қўяр бир қадам.
Бир умр яшаркан ошнгллар беғам,
Сен учун азобми, қўймоқ, бир қадам.

Не қилмай-ки бораолмасман олдингга,
Бўлаолмасам ҳамдам бирор дардингга.
Қўриб ҳам-ки етаолмасам васлингга,
Меҳр истаб қўйсанг-чи сен, бир қадам.

Кузгу

Кузгум аксида нафис - зебо юзларинг,
Кутиб бокар ажиб сенинг кузларинг.
Коматинг нав ниҳол, болдур лабларинг,
Мен недур-ки, бутун Дунё кулларинг.

Дилим очиб келсам сенинг қаршингта
Азирмикан севгим борор аршингта.
Ҳилол дебон, ошиқ бўлсам кошнингта,
Мен недур-ки, бутун Дунё кулларинг.

Биларман ташвининг кўп бошингта,
Ўғил-қизинг ширин-шакар бағрингта.
Севгининг бор парвонадур ёнингда,
Мен недур-ки, бутун Дунё остингда.

Кузгум ортидан қарарсан жоним,
Тураман маюс, сўраман ҳолим.
Ҳаёт ҳам шунчалик бўларми золим,
Сенсиз яшамокка қолмади ҳолим.

Майин майса сочларинг хилдагим келар
Нозик нафис юзларинг силагим келар.
Келдинг-у кетдинг дилимга оташлар солиб,
Чарчадим кутиб, қачон нозигинам келар.

Сендан бойлик сўрамайман, сўрамайман жон,
Фақат ярим мухаббатинг, бўлгин меҳрибон.
Биларман юратинг қулф, юрганнинг хатар,
Бир қиё бокиб қулсанг шу менига етар

На қилдим сенга мен...

Делдинг «Кўринманг асло, мени кўзимга,
Ишонинг, севгим ҳақи, менинг сўзимга».
Мухаббатинг азобин нега билмайсан,
Дардингда қуйганим нега сезмайсан?

Қурмасам сени бир-бор, бўлурми,
Уйламай сени кўнгул-у зор тўлурми.
Кетсанг ҳам сен мухаббатинг қолурми,
На қилдим сенга мен, мени қийнайсан.

Бўсангиз бўлурми шунчалик ширин,
Уларга етмаклик ундан ҳам қийин.
Эшитсанг-чи бир девона оху-зорин,
Бўсага бермоққа тайёр ҳаёти, борин.

На қилдим сенга мен, тўзалми, жоним,
Жамолингдан жудо қилмоқчисан.
Берай десам сенга ҳаётим, борим,
Бу ҳам кам деб, аётор қилмоқчисан.

Майли лабларингдан бўса олмайин,
Фақат висолингга зор қилма мени.
Юрагингдан мени мудом тарқ этиб,
Ишқ йўлида хор-зор этма мени.

Бир хаёт экан бу

Жахон бўйлаб сени изладим,
Орзу килиб, истаб бир ниёт
Юзларингни кўрмоқ истадим,
Десаңт ҳам-ки «Бу, бир уял».

Хаётинг бир азим дарё экан,
Мен бир ирмоқ эканман.
Хаётинг бир азим дунё экан,
Мен бир мискол эканман.

Хаётга келибмиз-у,
Яшабмиз хиёли бир кўр,
Яшаб севги истабмиз-у,
Билмай машаққати зўр.

Яшаб хаётда бемақсад,
Келиб-кетганларни кўр.
Сен хаёт максадини,
Ишқда куйганлардан сўр.

Хаёт, хаёт-ку,
Бир хаёт экан бу.

Азиз жонларим

Орагин истаб кутган онларим,
Кўз олимпиадир ўткан кунларим,
Хижрон азобида бедор тунларим,
Кийнадим сени мен азиз жонларим.

Хар он у билан сўзлагим келар,
Хар лаҳза уни мен кўргум келар.
Хаёт тўхтаса-ю, ўтмаса нетар,
Хаёт экан бу армонлаб кетар.

Туттидим-у дунёга, хаёт истадим,
Унайиб ўсдим-у, нажот истадим.
Заминда излаган тўғим у эди,
Муҳаббат боғидан ошён истадим.

Насиб отарим эшитмоқ эрка сўзларинг,
Кўрмоқка севгига тўлган кўзларинг.
Хаётим нафаси-ку анбар хилларинг,
Конингга кўшилса ширин жонларинг.

Сен кетмагин

Келиб кўнглим кўтардинг, сен кетмагин,
Эдим интизор йўлларингга, сен кетмагин.
Раҳм айлаб боғлагин дил риштасин,
Тинчлагин қалбим очай, сен кетмагин.

Айтсам диним, айтмасам диним қувар,
Сенга етдиолмасам бу дунёда мен нетай.
Бу дунёда сени ишқинг дебон, эй ё Раб,
Шу дард билан ўтсам керак мен нетай.

Эй санам! Ол юзингдан хижобинг,
Етар энди шунча кўрган азобинг.

Ишк дорингта осилган ёринг келди,
Ўйнаб-кулиб юрадиган замон келди.

Ошик атрофида парвонасан эй Сирож,
Етса жонинг, етмаса бергин хирож.

Зорим бору зўрим йўқдир, илтимос,
Келсанг ҳамки охир куним, сен кетмагин.

Етмаса хирож бошим кафил, бир дона соч,
Келдинг ёр, килма хумор, кўнглингни оч.
Энди нечун шахло кўзларингда тўладур ёш?
Дардинг айтиб дилингни оч, сен кетмагин.

Бир бўсага килма ғазаб, эй ойу-пайкар,
Сен колурсан бу заминда, мен кетарман.
Бўса олиб боғларингда бошқалар ўйнар,
Сен колурсан бу заминда, мен кетарман.

Билсанг бу дунёни бевафо дерлар,
Килиб сен заминда, мен кетарман.
Эй худо, бу дунёда берсангчи сабр,
Охир дунё севгилимга етарман.

«Жаҳон аро не гўзаллар бор» - дединг,
Алар ичинда сен ягона дурдонасан.
«Менга эса бутун дунё зор» - дединг,
Хаёт ширин, яшашимга бахонасан.

Ёкамда колди лаъли лабинг доғлари,
Иттизордур сенга кўнглим боғлари.
Хаёт жаннат, висол келган онлари,
Севги келиб, хижрон кетсин, сен кетмагин.

Лабиринг берганда орунлгинг очиб,
Хилларинг сезмадим хаёлим кочиб.
Килиб телба, девона хаётим сочдинг,
Йил борми менга, сен истаган азобинг.

Йиллаб кетдинг мени истамай, ўзга ёнига,
Ташлаб кетдинг мени гирдоб қарига.
Кўзинг оч, назар солгин севги ўнгу-сўлига,
Йил борми менга, сен атаган азобинг.

Килганинг килиб, олганинг олдинг,
Қилбим кўзгусида ягона колдинг.

Надоматлар жамини бошимга сочдинг,
Йил борму менга, сен кўзлаган азобинг.

Майли куйдириб, майли ёндиргин мени,
Фикат келсин раҳминг ушбу қотоз-қаламга.
Кетсам атар «Бир девона севган деб мени»
Тушиб қолма хижрон азоби-ю, дарду-аламга.

Сен келган кун

Коронги кунларим нурафшон этиб,
Орзикиб куттан ногинам келди.
Шодигим кўкарди, ғамларим сўлди,
Севгимга куй боғлаб, созинам келди.

Бу кандай бахт экан келган бошимга,
Севгилим келса-ю менинг кошимга,
Шод бўлиб меҳнатим, тўйу ошимга,
Гул эккани бошимга - боғбоним келди.

Кўнглим ғамлари ошёна энди,
Кўрганлар «Касал бу, девона» деди,
Коғозу - қалам малҳамим эди,
Кўнглим юпатгани оромим келди.

Сен билмайсан боғланганинг ўзлгини,
Бир ниёту, бир муҳаббат сўзлгини.
Ишк кўнимга бағишланган созлгини,
Бу кун тўйим энди, туёнам келди.

Хаётда гўзалу ошниклар кўлдир,
Висолга етмаган, етганлар кўлдир.
Сенга етмоқлик, ниётим шудир,
Гумоним таркатиб, орзум келди.

Инсонлар аро кўлдир кора-ю ола,
Истайман-ки бўлиб яхши бир бола.
Соҳсам дейман изингга кирмизи лола,
Муз юрагим эритиб, баҳорим келди.

Бир ошину Ғариб шу ерда дебон,
Гўзалим Шоҳсанам кўргани келди.
Жўш урди қоним, дол қолди забон,

Меҳр таркатиб, меҳрибоним келди.

Туғатган сабримга тоқатим келди,
Кўрган азобимга роҳатим келди.
Менга бағишлаб ўз ҳаётин энди,
Тузалмас дардимга дармоним келди.

Сени кўриб шодлиқдан қонларим чиқиб,
Танам дол қолди-ю, жонларим яқиб.
Яшамай бўлурми ҳаётда сен учун энди,
Менга нажот бағишлаб, ҳаётим келди.

Сени кўрдим энди, яшамай бўлмас,
Ҳаётим гулшари ҳеч қачон сўлмас.
Энди хижрон, армон ҳам бўлмас,
Яшашта ундаган жаҳоним келди.

Бир кўшик тинглаб

Сайдинг кувбер сайё
Сайёра экан мендек...

Бир кўшик тинглаб ҳаёлим қочди,
Узоқ — узоқларга, яқин замонга.
Кўшик сирлари дилимни очди,
Этиб нишон — сеvgи қамонга.

Кўрир эдим ҳар кун сени йироқдан,
Эмас эдинг йироқ ҳеч қачон дилга.
Кўзларимда сени қашф этган чоғда,
Тушар эдим, ҳаёлан девона йўлга...

Йўлларингга боқар эдим интизор,
Кўлларингга тутар эдим неча бор.
Муҳаббатим сenga қилсамда изхор,
Севаолмадинг мени сен зинхор.

Тунларингга нотич қилган тушингман,
Олис юрлдан учиб келган кушингман.
Юрак дардинг, оху кўзинг ёшингман,
Қалбим чўғи, севаолмадинг мени азизам.

Оғримасин, қолмасин кўнгли,
Майли дединг «бўлайин сингил».
Этмасда севгинг ҳаётим енгил,
Севаолмадинг мени азизам.

Нозларинг кўй, ортта ташна,
Қалбим сenga доимо ташна.
Номим сени этсада нотинч,
Севаолмадинг мени сен ҳеч.

Не қилайки хуш кўрдим сени,
Кўзим юмсам туш кўрдим сени.
Севги оташидан кўткаришга мени
Ҳалоскорим, дил бандим, келди.

Майли ўтар тунлар, келар ёрик кун,
Сenga инсоф келар бирор-бир кун.
Сенсиз мента бор ҳаётимдир тун,
Ўйламай дема «Ҳаёлинг тутун».

Дединг «севги бу ҳаёл, бу бир тутун»
Жавоб бергин, оташли ўчоғлар қани?
Севги демак – икки танлар бир бутун,
Оташ дилим сўндирувчи қучоқлар қани?

Муҳаббат боғинг қирмизи алвон,
Гулларинг сайд, саёдинг қани?
Сайд бўлиб келдим бўлмоққа қурбон,
Қурбонлар малҳами, лабларинг қани?

Нозик елкангга севгимни юклаб,
Бутун қаршингдаман, эртага йирок.
Батки учрашмасак эртадан бошлаб,
Аммо ҳеч унутсачи сени ташна лаб.

Афсус ҳаёларинг гунча гуллари,
Ўсган қирлар ҳам дунёда кўлдир.
Сен ўша гуллари бағринга босиб,
Эслама мени, ташвишинг кўлдир.

Натай-ки кўз менда, хусн сендадир,
Ихтиёр менда, ҳукм сендадир.
Вужудим ўзимда, севгим ўзимда,
Юрак деб аталган юким сендадир.

Кўпинк янграмоқда... ҳаётим олиб,
Олиб кетмоқда олис йироққа.
Тар келмаса ёрим, кўнглини очиб,
Не ҳожат хижрону, оху-фироққа!

Сен келмадинг

Кўзларимга олисдан келганда фирок,
Соғиндим мен, соғинмадингми?
Якин айрилиқлар эса бўлганда йпроқ
Соғиндим мен, соғинмадингми?

Оразингта эдим интизор — сен келмадинг,
Орзум кириб хору-зор - сен келмадинг.
Кўп гузаллар эдилар зор - сен келмадинг,
Нега энди соғинтириб сен келмадинг.

Тугилган кунимда бугун — сен йўк,
Сени кутган кўнглимга санчилар бир ўк
Бағринг тош бўлса ҳам, сендакаси йўк,
Соғиндим мен, соғинтириб сен келмадинг.

Бугун эса ботимда, гулларни кучиб,
Хидлаб-хидлаб сени тошмадим.

Юрганлирсан тақдир-азалдан қочиб,
Нега энди соғинтириб, сен келмадинг.

Майли, мен ҳам бўлайин сендан йироқ,
Сен ҳам чеккин мен қаби оху-фироқ
Келсанг майли, ammo умидвор бўлмагин бироқ,
«Нега энди? Кайтгин» дебон қилмагин сўроқ.

Ташна лаб

Бўсаларга ташна лаб,
Май ичининг кўй энди.
Ошиқларни ёмонлаб,
Гап чақининг кўй энди.

Кеча-кундуз ёлдамда,
Нозик-нафис тунча лаб.
Шу ондадек ёлдамда,
Кучанларим эркалаб.

Шахло кўзининг кучганда лаб,
Ноз қилма сен рашиқимни кўзгаб.
Лекин бари-бир лабинг оташи,
Батрим тилар, минг пора айлаб.

Истак

Кунларим охишта беармон ўтса,
Кўнглим учун хар он беомон.
Севги дардимни орттириб кетса,
Тентак хаёлларим кўзга харжон.

Мен сукунатда, чикмас фитоним,
Ёшларим хунрез кузни эслатар.
Севги панжасида қолган бу жоним,
Аччиқ хақиқатни хар дам эслатар.

Умрим дақиқаси, ўтавер майли,
Ёт хайлар йўк бўл зулматда!
Англизир севгимни азобли йўли,
Куйсам майли шу мухаббатда.

Сени соғиниб

Ўзим ёлғизман-у, атрофимда тун,
Соғинч азоблари менга меҳмондур.
Кайдасан зебо, мен тутилган кун,
Кўзим ёшлари, сента меҳмондур.

Кўнгил истамас бир томчи май ҳам,
Сени ёдинг бўлар дардимга малҳам.
Бу кун мени эслаб, ўйласанг сен ҳам,
Сени ёдинг менга, келган шифодур.

Билмадим кундузи юрган йўларим,
Хаёлим бўлди сенда, йўлда кўзларим.
Ишонгин чин эди айтган сўзларим,
Ҳозирги тожинг, сента меҳмондур.

Ўзим ётғиз сен томон учиб, қочар хаёлар,
Эслаб шодлиқда кечирган, дивзатли онлар.
Бу дунё сендан ҳам, мenden ҳам қолар,
Ёлгончи дунёда, биз ҳам меҳмондур.

Парвона

Жумлан оламда борми мenden девонарок,
Ахли севаги орасида тоълеи вайронарок.
Оразинг ҳар кунни кўрмоқ истасам,
Бор экан ёринг мenden ҳам парвонарок.

Дабларинг жон олурди, жоним олди тағин,
Делинг «Тўсма йўлим, бўлгин бетонароқ».

Не қилайки бўлаолмасам бетонарок,
Асли парвонадан ҳам девонарок.
Кўнгим яқин, дилим яқин — сен йироқ,
Давом этар бу жуздоллик, бу оху-фирок.

Ёр-ёр

Муҳаббатни эъзоз этган
Бир баҳорсиз, ёр-ёр.
Юрак бағрим Сирож этган,
Бир сабосиз, ёр-ёр.

Сизни ўзга кўллар олиб,
Олиб кетди, ёр-ёр.
Лекин кўнгли сизни кутиб,
Кутиб ўлди, ёр-ёр.

Майли мен деб Сиз қуйсангиз,
Мен ёнарман, ёр-ёр.
Бағрим ёнса, Сиз қулсангиз,
Таймол бўлмай, ёр-ёр.

Сизни олган нафис кўллар,
Омон бўлсин, ёр-ёр.
Олло таъло раво йўллар,
Бахтимнига, ёр-ёр.

Толганишга тўйлар бўлса,
Тахт қурамин, ёр-ёр.
Толганишга омон бўлса,
Бахт қурамин, ёр-ёр.
Биз яшашга бу замонда,
Берганимиз аҳд, ёр-ёр.
Бор бўлсангиз бу дунёда,
Менга шу бахт, ёр-ёр.

Орзу

Бекатда турганда тамаки чекиб
Туманларда қолди ҳаёлим.
Даҳзалар ютириб, умр ўтганда,
Тушларимда қолди бир орзум.

Муҳаббат ҳуқмида бу боқий замон,
Янги умид билан бошланар куним.
Борарман, кетарман мен ишга ҳамон,
Кўрсам сени топади, қорагим тиним.

Уйим замин бўлса, тулшаним ҳаёт,
Ҳаётим сенсан, сендадир ҳаёл.
Севги илҳомим бўлса, кўнигим баёт,
Ҳаётим паризодсан, сиймонгдир аёл.

Булут ортидан чиққан қуёшдек,
Яшнаб юзларинг бўлди намоён.
Шахло кўзларинг меҳри гиёдек,
Мени тилларим доғ қилди бу он.

Сўзим кўп, не қилай тилларим долдур,
«Кўрмоқ бору, емак йўқ» дерсан факат.
Давли лабларинг шабнами болдур,
Наилож насибам шу қисматим фуқарат.

Ҳаёт мураккаб, ҳаёт ҳақиқат,
Сену-мен севган бу Дунё ўтар!
Бошдан ўтганлар дейдилар «Факат,
Меҳр қолар, муҳаббат қолар!»

Ҳаёт боғимда пайдо бўлдинг сен,
Нозик тулларинг эдим интизор.
Сени излаб висол нистаганда мен,
Бахт берди бу ўлка, бу азиз диёр.

Ҳаётимиз ҳам ўтиб бормоқда,
Ўзашим сен, висолнинг қани?
Севги оташида дилим ёнмоқда,
Беморинг мен, малҳаминг қани?

Бир кўришда, нозик меҳрибон,
Бир кун жашнол, оларсан жоним.
Бир кўришда юзинг зарафон,
Дерсан «Айб-сентим жавобим»

Не қилиш-ки сенинг ғирокда,
Сени йўқлаб, ўрниб юрибман.
Ўтар кунларим оху-фироқда,
Туним бедор, кўрлар кўрибман.

Лабларинг тати ҳамон ёлмоқда,
Оромим сенинг — оху-зоримда.
Сентим икс этар шахло кўзингда,
Насиб-ми сенига елмоқ бу ҳаётимда.

Кийнама мени азиз жонгинам,
Раҳм қил мени қисқа жонимга.
Ох, яна келарми ўша онгинам,
Лабинг берган, жонимга малҳам.

Мен бу ғамдан қалбимда қалбимда
Ишларимда мен қулабман, муштариф
Мен бу ғамдан қалбимда қалбимда

Тонг отгулча

Кўзларимда уйку йўк тонг отгулча,
Дилимни ўртар хижрон тонг отгулча.
Келсангчи ёрим, нола-афгон килурмен,
Бертил менга сабр-токат тонг отгулча.
Ёримни лавл юзлари мисли суҳхидам,
Хидласам сочларин дардимга ҳамдам.
Ўлурмен бу окшом фирок дардида
Гар тушимга кирмасанг тонг отгулча.

Кўрдим

Тугилиб мен, ёруғ дунёни кўрдим
Кўз очиб шу захот, оламни кўрдим
Ўтмиш очлитин, тўқнитин кўрдим
Юртимиз ўтмишин, хозирин кўрдим

Инсонлар турмушин, бахтини кўрдим
Отано-онанинг яшашин кўрдим
Дўстларим хурмати, тилагин кўрдим
Маънавий бойлиқни афзаг деб билдим.

Тоғларда тошларни, қояни кўрдим
Дарё сувлари, боғлар мевасин кўрдим
Севилган инсон, бевафо хаётни кўрдим
Эндilikда пайғамбар ёшларин кўрдим

Кариндошу тенгдошлар меҳрини кўрдим
Ўғил-қизлар, набаралар орзусин кўрдим.
Билмадим, неларнидур энди кўрмадим
Менга оллоҳдан аталган умрни кўрдим.

Устозга

Тиббиёт осмониди қолдуз бўлиб,
Табиат бўёғониди бўлол бўлиб,
Нур яратиб, дур яратиб фан боғига,
Келдингиз кириб кашфиёт қучоғига.

Бугун эса улуг ёшга қўйдингиз қадам,
Улуг устоз кўп йилларга бўлинг бардам.
Фанга қўшгансиз умрлик буюк ҳисса,
Тепи келолмас олтин тўда заррин коса.

Хизматингиздан тиббий олам нурга тўлди,
Ҳимматингиздан фан бўёғони гулга тўлди.
Бугун эса улуг ёшга қўйибсиз қадам,
Шотирлар таъзим қилар, қўлда қалам.

Мини мингларча кашфиётлар қутувчимиз,
Улуг ёшингиз оғиб келсин боқий дивозат.
Анг устоз, тиббруқк ёш қутлуғ бўлсин,
Ҳаётингиз гуллар-яшнаб нурга тўлсин!

Она кишлоғим, Күштегирмоним!

Мозийдан келди бир акс садо,
Ўттанлар рухи қилгандек нидо.
Авлодлар бирлиги бўлмасин жудо,
«Кўш» номингни бергандур худо.

Хаёт ўтар экан, айланар замон,
Ғанимат экан ҳар дақиқа, ҳар он,
Бор экан заминда тўзал бир макон
Таврифинг куйлай, эй Кўштегирмон!

Ширин сувларинг ичмаган ким бор
Кадринг эъзозлаб, чертишганлар тор.
Айлар сента таъзим ошқ мажнунтол
Эй менинг кишлоғим, Кўштегирмоним!

Чашма сувларинг энг асли зилол
Сувингта ташнадур самода хилол.
Сувинг ичганларинг ниёти ҳалол
Она кишлоғим, Кўштегирмоним!

Жаҳонгирлар ўтганда кирғоқларингдан
Рустанлари дол қолди хилолларингдан.
Аксн ҳеч йўқ экан бу жиловларингдан
Эй менинг кишлоғим, Кўштегирмоним!

Йўлларингни кўриб, юрмаганлар бор
Бағринг да тутилиб, тўймаганлар бор.
Бир кетиб, кетай деб, истоганлар бор
Эй менинг кишлоғим, Кўштегирмоним!

Тилло замин, мовий осмонинг бордур
Пахтазор, ам-яшил боғларинг бордур.
Сени бир кўриб, кўрмаган зордур
Эй менинг кишлоғим, Кўштегирмоним!

Самоний авлоди, Малик келган жой
Добар қизлару, жасур ўғлонларга бой
Ҳимматинг кенг, бағринг мисли бир сой
Эй менинг кишлоғим, Кўштегирмоним!

Бағринг да тутилди машхур Жағиллар,
Расул Бегали олдида бош эгди Беклар.
Авлодинг кўрганлар, "Сен" демай «Сизлар»
Эй менинг кишлоғим, Кўштегирмоним!

Муҳаббат рамзи - Дилбар-Нарзулло
Уларга тушди нафари, нитони Оллоҳ!
Маконлар орсинда сен Маккагилло
Эй менинг кишлоғим, Кўштегирмоним!

Кексалар эди сенинг ўтмишинг
Ёшлар бўлди, келар баҳоринг
Эрта кунлар, порлоқ саҳаринг
Она кишлоғим, Кўштегирмоним!

Тян-Шон бўлди сенинг қалқонинг
Сирларё эди олтин камаринг
Давринг келди, ўссин самаринг
Она кишлоғим, Кўштегирмоним!

Асрлар руҳи сента бир кўрсон
Қадамжо қилди Бобурдек ўғлон
Яшнагин, гулла, уравер жавлон
Она кишлоғим, Кўштегирмоним!

Йўқотсам гавҳарим, топарман сенда
Она еримсан, сийнангдур «Ўрда»
Сувларинг қонимдур, жонимдур сенда
Эй менинг кишлоғим, Кўштегирмоним!

МУНДАРИЖА

ШОИР ҲАКИДА ИЛИҚ СЎЗ	2
СЕВМАГАН КИМ БОР	3
КЎЗЛАГИН	4
ТҮЙЛАР МУБОРАК	5
СИНИФДОШЛАР	6
ИШОНЧ ҲАЁТ МАЗМУНИ	7
БАҲОР ЭДИ	8
СОГИНАМАН ЁРИМ ДЕБ	9
ФАЛАК ФАЛАКЛИГИН КИЛСА	10
АРМОН ҚОЛДИ	11
ҲАЁТ ЎТМОҚДА	12
ИМКОН БЕР МЕНГА	12
КЕЧИР МЕНИ	13
КҮЁШ ТУТИЛГАН КҮН	13
МЕН НЕТАЙ	14
МУҲАББАТ ОЛОВ	14
БЎСАЛАРИМ СЕВГИМДАН НИШОН	15
ФИРОҚ	15
МУҲАББАТ ГИРДОБИ	16
ИХТИЁР	17
СЕН ТУФИЛГАН КҮН	18
ЁЛГИЗЛИК НАҚАДАР ЁМОН	19
ИНДАМАС	20
ҲАЁТДАН ЎТМОҚДАМИЗ	21

ЎЗИНИГНИ КҮЙ КИЙНАМА	21
ИККИ ДУНЁ БИР ҚАДАМ	23
КЎЗГУ	23
НА КИЛДИМ СЕНГА МЕН	24
БИР ҲАЁТ ЭКАН БУ	25
АЗИЗ ЖОНЛАРИМ	26
СЕН КЕТМАГИН	27
НАЙ	27
СЕН КЕЛГАН КҮН	29
БИР КҮШИК ТИНГЛАБ	30
СЕН КЕЛМАДИНИ	31
ТАШНА ЛАБ	34
ИСТАК	35
СЕНИ СОГИНИБ	35
НАВРОНА	36
ЁР-ЁР	36
ОРУН	37
СОГИНЧ	38
ТОНГ ОТУНЧА	39
ҚУРЛИМ	40
УСТОЗГА	40
ОНА ҚИШЛОГИМ, ҚҮШТЕГИРМОНИМ	41
ОНА ҚИШЛОГИМ, ҚҮШТЕГИРМОНИМ	42

Сирожиддин Зайниддинов

СЕРМАТАН

КИМ БОР

Муҳаррир: шоир Ғойиб Назар

Тех. Муҳаррир: Турдикул Норманов

Саҳифасозчи: Абдулқазиз Умаров

Қитмоё Тошкент вилояти Бекobod шаҳар "Мемор қурилиши"
хусусий корхонаси раҳбари Иброҳимбек Ўзидошов ва мемор Жаҳонбек
Зайниддинов ҳаммийнатида чоп этилди.

Босишга рухсат берилди: 16.02.2010й. Бичими 60x84^{1/8}

Ҳажми: 2,75 б.т. Адади: 300 дона. Буюртма № 037.

ДП «Patent-Press» теъкор нашр қилиш
марказида чоп этилди.

Kutimferman.
shanda
muallimiga sovg'a